



**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI**  
**SURXONDARYO VILOYATI HOKIMINING**  
**Q A R O R I**

Termiz shahri, At-Termiziy ko'chasi 1-uy. 190100, tel.: (+99876) 224-00-15, surxon@exat.uz, gov@sdv.uz

2021 -yil "22" fevral

Қ-104 -son

Termiz sh.

**Олтинсой тумани "Хўжасоат" массивида фаолият юритаётган "Фарходжон Қудратов" фермер хўжалигига енгил конструкцияли иссиқхона ва чорва мол сақлашга мўлжалланган молхона биносини қуриш учун рухсат бериш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси "Ер кодекси"нинг 5,87-моддаларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2019 йил 20 мартдаги 4246-сон қарорига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида" 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон Фармонига асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2021 йил 05 январдаги 05-02/6-сон йиғилиш баёни, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги Сурхондарё вилоят бошқармасининг 2020 йил 29 декабрдаги 49-сон хулосаси, Олтинсой тумани ҳокимининг 2020 йил 31 октябрдаги 01-05/222-сон хатини инобатга олиб,

**Қ А Р О Р   Қ И Л А М А Н :**

1. Олтинсой тумани "Хўжасоат" массивида фаолият юритаётган "Фарходжон Қудратов" фермер хўжалигига тегишли қишлоқ хўжалиги харитасининг 578-дала контуридаги жами 1,05 гектар яйлов ер майдони, шундан 1,0 гектарига енгил конструкцияли иссиқхона қуриш учун вақтинча (10 йил муддатга) фойдаланиш ҳуқуқи билан ва 0,05 гектарига чорва мол сақлашга мўлжалланган молхона биноси қуриш учун рухсат берилсин.
2. "Фарходжон Қудратов" фермер хўжалиги бошлиғи Ф.Қудратовга: иссиқхона учун рухсат берилаётган ер майдонидан фақат иссиқхона қуриш учун фойдаланиши;  
етиштирган маҳсулотларни экспорт қилиши;  
мақсадсиз фойдаланилганда ёки бир йил мобайнида фойдаланилмаганида рухсат берилган ер майдони туман ҳокимлиги захирасига қайтариб олиниши кўрсатиб ўтилсин.
3. "Фарходжон Қудратов" фермер хўжалиги 0,05 гектар яйлов ер майдонига чорва мол сақлашга мўлжалланган молхона биноси қуриш учун

қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш мақсадида 630 009 (олти юз ўттиз минг тўққиз) сўм давлат тўлов қоплама қийматини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ғазначилиги Тошкент ХККМ Марказий банкининг ҳисоб рақами 23402000300100001010 СТИР: 201122919 код: 00014 бюджет ҳисоб рақами 4014108609224013450717186 га беш кун муддатда тўлаб берилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги Сурхондарё вилоят бошқармаси (Ж.Усмонов)га рухсат берилган ер майдонидан самарали ва мақсадли фойдаланилишини доимий назорат қилиб бориш, ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномасига ҳамда ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритиш юклатилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр палатаси Сурхондарё вилоят бошқармаси (С.Шаймарданов) ер участкаси чегараларини жойида (натурада) белгилашни амалга оширсин ҳамда ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

6. Вилоят қурилиш бош бошқармаси (К.Эшматов) қонунчиликда белгиланган тартибда қурилиш ишларини лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқлигини мониторинг қилиб борсин.

7. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида ([surxondaryo.uz](http://surxondaryo.uz)) эълон қилинсин.

8. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари У.Турапов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов